

## Барча тадбиркорлар диққатига!

 [Sahifani PDF tarzda yuklab olish \(53 Kb\)](#)  [Versiyasi](#)  [Sahifani doc tarzda yuklab olish \(53 KB\)](#)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018йил 6 марттаги «**Қорақалпоғистон Республикасида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарорига асос «Қорақалпоғистон Республикаси кичик саноат зоналари дирекцияси» давлат унитар корхонаси ташкил этилди.

Ушбу қарор асосида **Амударё, Беруний, Чимбой, Тахиагош, Хўжайли** ва **Қунғирот** туманларида давлат мулки бўлган ва давлат улуши мавжуд хўжалик юритувчи жамиятларнинг фойдаланилмаётганишлаб чиқариш майдонлари ва объектлари негизда **кичик саноат зоналари** ташкил этилиб, тадбиркорлик субъектларига бизнес режаларини бажариш, иш ўринларини яратиш ва сақлаш, барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш шarti билан кейинчалик мулк ҳуқуқи берилган ҳолда **5** йиллик узоқ муддатга «**нол**» ставкада ижарага берилади.

Шунингдек, **кичиксаноат зоналарида** инвестиция лойихаларини амалга ошириш, импорт ускуналар ва уларга бутловчи қисмларни харид қилиш учун энгиллатилган кредит линиялари ҳам очилганлигини маълум қиламиз.

**Кичиксаноат зоналарида** импорт ўрнини босувчи ва экспортга йуналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш назарда тутилган.

### Ҳурматли тадбиркорлар!

Сизларни кичик саноат зоналари иштирокчиси бўлишга таклиф этамиз.

«Қорақалпоғистон Республикаси кичик саноат зоналари дирекцияси»

**Маълумот учун телефонлар: 222-05-35, 222-26-27**

30.03.2018 17:09 da elon қilingan, marta korib chiqildi